

### VIII. Форс мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиг бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равищада узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичida бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равища огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик килса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш хукуқига эга.

### IX. Шартноманинг амал қилиши муддати

9.1. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2. Шартнома, имзоланган кундан 5 йил муддат давомида ҳакиқий ҳисобланади. Зарур ҳолатларда шартнома узайтирилиши ҳам мумкин, бунда томонлардан бири шартноманинг амал қилиши муддатини вақтидан аввал тўхтагмаган, «Истеъмолчи» шартнома муддати тугашидан 15 кун аввал «Таъминотчи»ни огоҳлантирган ва шу вақтгача ичимлик сувини етказиб бериси ва канализация хизматлари ҳакини тўлиқ тўлаб кўйган бўлиши лозим.

### X. Тарафларнинг юридик маизили:

#### «ТАЪМИНОТЧИ»

Маизил Булон 01 Ози

Тел: 155, факс

х/р 22638000 30015193156

Банк САЛУССОФ

Банк коди 00544 СТИР 200144908

Рахбар

Ношибек

Юридик худоюн

Узбекистон Республикаси Футхарийиқ кодекси ва "Хўжалик юритувчи сунъектларнинг шартномавий-хукукий асоси тўтрасид" таъонун талабларига мувоффик тузилган.

Юрисконсульт: \_\_\_\_\_

#### «ИСТЕЬМОЛЧИ»

Маизил Д. Новозод 17

Тел: 412-12-41, факс

х/р 100022860302407072130054021

Банк Тонайлт Марк. 5

Банк коди 300014 СТИР 200169789

ХХУФ: 91511

Платит: оҳам

Шахси: оҳам

Рахбар

Роҳиб

М.Сарифов



З илова

Тариф (ККС ва Махсус устама ҳақ билан)  
Сув 1 м<sup>3</sup> 1545 сўм, Окова 1 м<sup>3</sup> \_\_\_\_\_ сўм

3

-сонли шартнома

Истеъмолчиларга ичимлик ва окова сувни хизматларини кўрсатиш учун

«05» 10 2022 й.

Ушбу шартнома «Фарғона сув таъминоти» МЧЖ М. Касимов,  
кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади Низом асосида фаолият юритувчи

Эъзаби трансит Айнӣ Бирсаёнича,

шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи Низом  
асосида иш олиб борувчи директор П. Р. Сарифеев,  
иккинчи томондан, қўйидагилар ҳақида тузилди:

### I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун сув етказиш хажми учун тузилган шартномага мувофиқ юридик  
ташкilotлари (бундан бўён матинда III гурух «Истеъмолчи» лари деб юритилади) учун сув етказиш  
1545 нарх бўйича 153 м<sup>3</sup> ни:

1 м<sup>3</sup> ичимлик сув учун \_\_\_\_\_ сўм (+ККС 15%), + 1545 сўм (махсус устама ҳақ)ни;

1 м<sup>3</sup> окова сув учун \_\_\_\_\_ сўм (+ККС 15%), + \_\_\_\_\_ сўм (махсус устама ҳақ)ни ташкил  
қўймокда.

Ичимлик сувининг ўртacha суткали сарфи (лимит) \_\_\_\_\_ м<sup>3</sup>.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ва  
«Истеъмолчи»дан окова сувларни қабул қилиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га ичимлик ва окова сув хизматлари учун тўловларни хар  
ойнинг 10 санарагача 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш тарикасида амалга ошириш мажбуриятини ўз  
зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг ичимлик ва окова сув хизматлари бўйича шартларини  
бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган  
«Истеъмолчиларга сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш  
Қоидалари»га (кейинчалик матида Қоидалар деб юритилади), ҳамда маҳаллий ҳокимият  
томонидан тасдиқланадиган маҳсус устама ҳақи 1 м<sup>3</sup> ичимлик сув учун \_\_\_\_\_ сўм, 1 м<sup>3</sup> окова сув  
хизмати учун \_\_\_\_\_ сўм билан бирга «Таъминотчи» томонидан тақдим қилинган ичимлик ва  
окова сув тизимига уланиш учун руҳсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига  
оладилар.

### II. Умумий қоидалар

2.1. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» ташкilotи руҳсати билан ва у техник имкониятларни мавжуд  
деб топган ҳолатларда, ўз тасаруфидаги ичимлик ва окова сув тармоқларига, иншоот ва  
курилмаларга субистеъмолчиларнинг уланишига руҳсат бериш ҳуқуқига эга.

2.2. «Истеъмолчи» билан субистеъмолчи ўртасида тўлов масалаларида пайдо бўладиган низолар  
«Таъминотчи» ташкilotи томонидан кўриб чиқилмайди.

2.3. Агар «Истеъмолчи» ва унга уланган субистеъмолчи турли гурух ва тоифали  
истеъмолчиларига мансуб бўлса, «Таъминотчи» ташкilotи билан шартномани «Истеъмолчи» ҳам,  
субистеъмолчи ҳам тузади ва сувни ҳисобга олиш приборини ўрнатиш ҳар иккаласи учун ҳам  
мажбурий ҳисобланади.

2.4. Ичимлик сувдан дов-даражтларни сұғориш учун фойдаланилишига күйидеги истисно ҳолатларда йўл кўйилади: ирригация суви бўлмагандан, таъминотчи ташкилоти куввати мавжуд бўлганда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган жадвал бўйича, факат тунги вактда (соат 0000 дан соат 0500 гача) йўл кўйилади.

2.5. Ичимлик ва оқова сув хизматидан истеъмолчи хўжалик-истеъмол, машиий эҳтиёж ва ёнғинларни ўчириш ҳамда технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун фойдаланилади.

2.6. Сувни ҳисобга олиш приборлари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилиб пломбаланади, ҳамда “Таъминотчи” томонидан пломбаланиши лозим. Шунингдек, ичимлик сувини ҳисобга олиш приборини ечиш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш конунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.7. «Истеъмолчи»га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш приборининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аникланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ҳамда «Истеъмолчи» билан келишилади. Ҳисоблаш прибори учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» ходими сув ўлчаш тармогини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмагандан, ҳисоблаш приборининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Коидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.8. Ичимлик ва оқова сув хизматлари хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш приборларини ишга тушириш, ҳисоблаш приборларини алмаштириш, янги субистеъмолчиларининг уланиши «Истеъмолчи» томонидан факат «Таъминотчи» тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар «Истеъмолчи»нинг сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади. «Таъминотчи»дан олинган техник шартлар асосида, «Истеъмолчи» буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, коидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

2.9. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши «Таъминотчи» томонидан, «Истеъмолчи» ва курилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тарифлар ва устами ҳақ миқдори ўзгарган санасидан қатби назар, ушбу хизматлар юзасидан «Истеъмолчи» билан тузилган шартнома ўз кучини сақлаб қолади ва «Истеъмолчи» кўрсатилган хизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар киритилган санадан эътиборан тўловларни амалга ошириши шарт.

2.11. Лимитдан оптика сув истеъмол қилинган ҳолатларда, «Таъминотчи» томонидан белгиланган тарифларга нисбатан 10,0 орттирилувчи коэффициентни кўллаш йўли билан ҳақ ундирилади.

2.12. Куйидагилар «Таъминотчи» ташкилотлари билан «Истеъмолчи»лар шу жумладан, хусусий ўй-жой мулқорлари ширкатлари ўргасидаги, ичимлик ва оқова сув хизматлари тармоқлари, иншоотлари ҳамда қурилмаларига хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини сақлаб ва фойдаланиши юзасидан жавобгарлик чегаралари ҳисобланади:

а) ичимлик сув истеъмоли учун тармокка уланишини узиб кўйувчи кириш қулфи. Кирин қулфи билан ичимлик сувга уланиш, «Истеъмолчи»нинг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми ҳисобланади;

б) оқова хизмати учун «Истеъмолчи» оқова тизимининг ички қисми ҳисобланувчи, магистрал оқова тармогига уланиш нуқтасидаги чиқарув кудуги. Агар чиқарувчи оқова кудуги (камераси) магистрал оқова тармогига жойлашган бўлса, ушбу кудук «Таъминотчи» ташкилоти оқова тармогининг бир қисми ҳисоблананиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиги эса «Истеъмолчи»нинг маблагилари ҳисобидан амалга оширилади.

### III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1. «Истеъмолчи»нинг ҳуқуқлари:

3.1.1. Тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармокларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун «Таъминотчи» ташкилотидан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиши;

3.1.2. «Таъминотчи» ташкилотини шартномани бекор қилиш тұғрисида, унинг бекор қилинишидан камида 15 күн олдин огохлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқарыш бүйича құрсатылған хизматлар учун тұловларни тұлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

3.1.3. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилған тұловларнинг ҳолати, қарзларнинг ійілігі ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани шахсан ёки үз вакили орқали белуп олиш;

3.1.4. «Таъминотчи» ташкилотидан ичимлик ва оқова сув хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тұловлар тарифи ва тартибларининг үзгариши ҳақидаги маълумотларни белуп олиш;

3.1.5. Ичимлик ва оқова сув хизматлари құрсатылмағаннанға дейінгі 18 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш бүйича маълумотларни олиш;

### **3.2. «Истеъмолчи» нинг мажбuriятлари:**

3.2.1. Оқава тармогыда авария бұлған тақдирда ертұла хоналарини сув босишидан сақтайтында барча ұчырувчи қурилмаларнинг бут сақланғаннанға дейінгі 18 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотидан таъминлаш;

3.2.2. Истеъмолчига қарамағында санитария асбоблари, оқава тармоқлари, иншоотта қурилмаларда тамбанинг ійілігі, ревизияларнинг зич ёпілмаслығы, носоз техник ҳолати туфайли истеъмолчининг оқава тармоқларыда ёки «Таъминотчи» ташкилотида, ичимлик сув ва оқованинг ташки тармоқларыда авария (тиклиб қолиш, сув босиши) содир бўлиши сабабли ертұла хоналарини сув босиши оқибатида етказилған зарарни қоплаши;

3.2.3. «Таъминотчи» ташкилоти билан ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган сувни ҳисобга олиш прибори, айланма линия зулфини, ёнғин зулфинлари, гидрантлар ва унинг худудида ёки тасарруфида бұлған ҳамда «Таъминотчи» ташкилоти томонидан пломбаланган бошқа ичимлик сув қурилмаларидағы пломбаларнинг бутлигига саклаш;

3.2.4. «Таъминотчи» ташкилотига ичимлик ва оқова сув тармоқлари, иншоотлари ва қурилмаларнинг шикастланиши туфайли етказилған зарар учун қонунчиликда белгиланған тартибда жавобгарлик;

3.2.5. Ичимлик суви таъминотининг ёнгинга қарши тизимидан фойдаланиш тұхтатылғанда «Истеъмолчи» 24 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотига пломба узилгани тұғрисида далолатнома тақдим этиши ва зулфинларни пломбалаш учун «Таъминотчи» ташкилоти вакилини қафириш;

3.2.6. «Таъминотчи» билан тузилған шартномага мувофиқ мажбuriятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санаасыда құрсаткышларни үз вактида ва аник ечиб олиш ҳамда ушбу құрсаткышларни «Таъминотчи»га кечикмagan ҳолда тақдим қилиш ва тұловни амалга ошириш.

### **3.3. «Таъминотчи» нинг ҳукуклари:**

3.3.1. «Таъминотчи» ташкилоти, истеъмолчини 7 күн аввал ёзма равища огохлантирган ҳолда, қуидаги ҳолатларда сувни узатиши ва оқова сувларни қабул қилишни тұлиқ ва қысман тұхтатиши мумкин:

а) «Истеъмолчи»га тегишли ва унинг тасарруфида бұлған ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилма ва иншоотларнинг техник ҳолати кониқарсиз бұлғанда ва «Таъминотчи» ташкилоти вакиллари томонидан айқыланған техник фойдаланишдаги хатоликларни бартараф этиш бүйича «Таъминотчи» ташкилоти талаблари истеъмолчи томонидан бажарылмаганда;

б) «Таъминотчи» ташкилот мансабдор шахси истеъмолчининг сувни ҳисобга олиш узели, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилмалари ва иншоотларини назорат қилиш ҳамда сувни ҳисобга олиш прибори құрсаткышларини қайд этиш, пломбаларни үрнатиши мақсадыда күздан кечириш, белгиланған лимитдан күп сарф қилинғанда сув берипши мувофиқлаштириш ва «Таъминотчи» ташкилоти нарядлари бүйича бошқа ишларни бажарыши учун келгандан истеъмолчи томонидан асоссиз равища көрітілмаганда;

в) «Таъминотчи» ташкилоти томонидан истеъмолчи уланган ичимлик ва оқова сув тармоклари, курилмаларида режали-огохлантириш тарзида таъмирлар ҳамда хизмат кўрсатиш ишлари ўтказилганда, шунингдек, янги истеъмолчиларни улаш ишлари амалга оширилганда;

г) «Истеъмолчи» тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тизимлари ёки тармокларига субабонентларнинг ўзбошимчалик билан улангани аниқланганда;

д) «Истеъмолчи» томонидан ичимлик ва оқова сув хизматлари учун белгиланган муддатларда ҳак тўланмаганда;

е) «Истеъмолчи»нинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармокларига, курилмаларида «Таъминотчи» ташкилотидан уланиш учун белгиланган тартибда рухсатнома олган субабонентларнинг тегишли тартибда уланиши рад этилганда;

ё) «Истеъмолчи» томонидан шартлари бажарилмаганда ва у оқизилаётган оқова сувлар микдори ва таркиби бўйича шартларга риоя қилмаганда.

3.3.9. «Таъминотчи» ташкилоти куйидаги ҳолатларда олдиндан хабар килмасдан сув узатишни тўлиқ ёки кисман тўхтатишга ҳақли:

а) «Таъминотчи» ташкилотининг электр таъминоти тўхтатилганда;

б) Табиий оғатлар рўй берганда;

в) Авария ҳолатларида;

г) Ёнгин чиққан жойларга сув узатишни кўпайтиришга зарурат туғилганда.

#### **3.4. «Таъминотчи»нинг мажбуриятлари:**

3.4.1. Сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш юзасидан шартнома шартларини бажарип;

3.4.2. Ичимлик ва оқова сув тармокларининг техник ҳолатини мунтазам равишда назорат килиб бориш;

3.4.3. Тармоқдаги ичимлик сув сифати мониторингини олиб бориш;

3.4.4. Истеъмолчиларнинг ичимлики ва оқова сув тизимларига уланган ичимлик сув ва оқава тармоклари, иншоотлари ҳамда курилмаларининг ҳолатини ва улардан фойдаланилишини мунтазам равишда назорат килиб бориш, улардан самарали фойдаланишини ташкиллаштиришда истеъмолчиларга амалий ёрдам кўрсатиш;

3.4.5. Истеъмолчилар томонидан сувни беҳуда сарфининг олидини олиш, саноат корхоналари ва уларга тенгглаштирилган корхоналарда сув бериш бўйича белгиланган лимитларга риоя килинаётганини мунтазам равишда назорат килиш;

3.4.6. Сув истеъмоли белгиланган меъёр (лимит)лардан ортиб кетган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилотларида белгиланган тарифларга нисбатан орттирилуви 10,0 коэффициентни кўллаш;

3.4.7. Оқова сув тизимига оқизилаётган оқоваларнинг сифати мониторингини таъминлаш;

3.4.8. Шартнома шартларига мувофик ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолатларда истеъмолчига пеня ҳисоблаш;

3.4.9. Истеъмолчиларнинг шартнома шартларига риоя этишмагани масаласи бўйича суд органларига мурожаат қилиш;

3.4.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўклиги ҳақидаги маълумотларни иsteъmolchilariga бепул тақдим этиш;

3.4.11. Ичимлик ва оқова сув хизматлари тарифларидағи ўзгаришлар ҳақида улар амалда жорий қилинишидан 15 кун аввал оммавий аҳборот воситалари ёрдамида иsteъmolchilarni хабардор қилиш;

3.4.12. Ичимлик ва оқава сув хизматларини кўрсатишда рўй бериши мумкин бўлган режали тўхтатиш ва узилишлар ҳақида иsteъmolchilar uзилишлар бошлангунгача 10 иш кунидан кетикмай огохлантириш.

#### **IV. Тарафларнинг жавобгарлиги**

4.1. «Таъминотчи» ушбу шартномага мувофик мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарни, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарар ўрнини қоплаши шарт.

4.2. «Истеъмолчи» куйидагилар учун жавобгардир:

а) Ичимлик сувни ҳисобга олиш прибори пломбалари бутлиги, айланиш чизиги жүмраги, гидрантта ва бошқа сув узатыш мосламаларидаги қысмларининг ҳудудиди ва тасарруфида бўлган пломбаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутун сакланиши учун;

б) Сув тармоқларига ўз бошимча уланиб олиш, совук сувни ҳисобга олиш қурилмаларининг қасддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш приборларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолатлари учун;

в) Ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар сабабли тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

г) Дренаж тизми мавжуд бўлса «Истеъмолчи» ҳудудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган кор сувларнинг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қоидабузарлик аниқланганда «Таъминотчи» ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома «Истеъмолчи»нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат киласди;

д) Конунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

4.3. «Таъминотчи» қўйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) Амлдаги мөёрий-хукукий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) «Истеъмолчи»ларга ичимлик ва оқова сув хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларни ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) «Истеъмолчи»нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда қоплаш;

г) Шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик.

## V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Ичимлик ва оқова сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул килинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш прибори мавжуд бўлганда, ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичларига мувофиқ амалдаги тарифлар бўйича КҚСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2 «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сув хизмати учун ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда охирги уч ойнинг ўртача сарфи бўйича кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлашни амалга оширишлари лозим.

5.3 Тўловнинг шартномада белгилангандан кечикирилган ҳар бир куни учун истеъмолчи 0,4 фоиз пеня тўлайди. Аммо бу кўрсаткич жами кечикирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.4 «Истеъмолчи» кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан ҳақ тўловларини амалга оширасалар, истеъмолчиларни ёзма равишда хабардор килган пайтдан бошлаб беш иш куни ўтгандан кейин қарзларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчиларни ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармоқларидан узиб қўйиш йўли билан ундириш чораларини кўради.

Бундай ҳолларда ёнғиндан сакланиши ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истеъмолчи» зинмасига юклатилади. Сув таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда «Истеъмолчи»дан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баробари миқдорида гўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

5.5. Оқова тизимида келиб тушувчи оқова сувининг миқдори, ичимлик сув тармоғидан етказиб бериладиган ичимлик сув миқдорига тенг. Марказлашган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи ичимлик сув миқдорига оқова сув тармоқлари ҳисоби учун 2,0 коэффициенти кўлланилади. «Истеъмолчи»нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг маҳсулдорлигига (ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш приборларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими «Истеъмолчи»нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

5.6. Объект эгаси автоном сув таъминоти (кудук, очик сув олиш ҳавзаси, ирригация тизими)га ва (ёки) марказий оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилоти билан шартнома тузиш учун маҳсус табиий сув объекларидан маҳсус сув олиш ёки истеъмол килиш учун руҳсатномани кўшимча равишда тақдим этиши зарур.

5.7. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаи (артезиан скважинаси, кудук, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими ва бошқалар) мавжуд бўлганда оқова тизимига оқова сувларни оқизиш учун тўловлар ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш куввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш приборининг кўрсаткчилари асосида амалга оширилади. «Истеъмолчи»га қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбайнинг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

## VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал мавжуд қарзларини тўлаб, бу ҳақда «Таъминотчи» ташкилоти билан далолатнома имзолами шарт. «Истеъмолчи» чиқиб кетгач сувни ҳисобга олиш прибори, пломбаларнинг бутлиги ва копланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкландади.

6.2. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиб қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қўйдаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда:  $M$  0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициенти;  
 $F$  суюклик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) $m^2$ ;  
 $g$  9,81 м/сек га тенг бўлган эркян тушиш тезлиги;  
 $H$  сувнинг метрлардаги босими;  
 $t$  вакт- 24 соат, секундларда.

Кўйидаги ҳолатларда юкоридаги формула асосида ҳисобланади:

6.2.1. «Истеъмолчи»да сув ўлчаш прибори ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз холатда);

6.2.2. Сув ўлчаш прибори ёки мосламаси «Таъминотчи»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.2.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланганда;

6.2.4. Сув ўлчаш прибори, мосламаси ишдан чиққан, сивага, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми сўнгти тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш прибори ўрнатилган (рўйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;

6.2.5. «Таъминотчи»нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган ва бажарилмаган ҳолатларда;

6.2.6. Сув ўлчаш приборининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги кўйилган ҳимоя қопламига (пломбага) руҳсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув сарфини аниқлаш имконияти чегараланганди;

6.3. Ичимлик ва оқова сув тизимларига (жумладан ёнгиндан сақланиш гидрант ва қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда «Таъминотчи» томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва «Таъминотчи»га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб ҳизмат қиласди. Бунда:

- тўлов муддати, энг сўнгти тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш прибори ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача ёки ўзбошимчалик билан уланиш узуб ташланган кунга қадар ҳисобга олинади;

- ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар «Таъминотчи» балансдаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади.

6.4. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва куришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган колда ёки муддати ўтган ҳолда, «Таъминотчи» томонидан сув узатиш хизматларини якунлашга асос бўлади.

6.5. «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сувни тармоқларига уланиш санаси ҳакидаги хужожатларни тақдим этмаган ҳолатларда «Таъминотчи» томонидан хоким қарори ва кадастр хужожатлари ҳамда шу кабилар асосида ҳужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳаклидир.

6.6. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар «Таъминотчи» томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар оркали амалга оширилади. Бу тўловлар «Истеъмолчи» томонидан З кунлик муддат ичидаги акцептсиз тартибида амалга оширилади. Тўловлар ўз вактида амалга оширилмаган тақдирда «Таъминотчи» кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4 фоиз пеня ёзади ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.7. Оқова тизимиға рухсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилётган, ишлаб чиқариш оқова сувларини «Истеъмолчи»лар томонидан ташлаш тартиби ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунида қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари” ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун «Истеъмолчи»ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент миқдор тартибида ҳисобланади.

6.8. Оқова сувни чиқариб юборишнинг ҳажми ва таркиби бўйича меъёллар билан белгиланган оқизишнинг ўйл қўйиладиган чекланган миқдоридан ортиқча оқова сувлар ва ифлослантирувчи моддаларнинг чиқариш тақиқланади.

6.9. Ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизганлик учун компенсация тўловларини ҳисоблаб ёзиш тартиби ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги “Табиятни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизmlарини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 820-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

6.10. Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари ҳамда ифлослантируvчи моддаларнинг ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини ҳисоблаб тартиби асосида амалга оширилади, дебитор қарздорлик тўланмаган тақдирда «Истеъмолчи» оқова тармоқларидан узуб қўйилади.

6.11. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида «Истеъмолчи» ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда «Таъминотчи»га тақдим этилиши керак. Эътирознома «Истеъмолчи»ни тўлов талабномаси ва ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

## VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўргасида шартнома юзасидан келиб чиқсан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ юридик «Истеъмолчи» давлат рўйхатидан ўтган суд органларида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиқсан тақдирда Конунчиличида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
TALABALARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**  
**№CD18713827**

1. Loyihaning turi: Shartnoma. (05.01.2022 yildagi 3-sonli)

2. Loyihaning nomi: Suv ta'minoti to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi malumot:

Yozyovon tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022 yil 05 yanvar kuni ishlab chiqilgan va 2022 yil 20 yanvar kuni “E-huquqshunos” elektron tizim orqali huquqiy ekspertizaga taqdim qilingan.

4. Loyiha bo'yicha taklif:

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra

**XULOSA:**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Yozyovon tuman yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi yuriskonsulti



A.M.Sidikov  
20.01.2022